

---

## Рамазон – меҳр-саховат оyi! "МАРҒИЛОН РЕСТОРАНИ" МАЖМУАСИДА ИФТОРЛИК ДАСТУРХОНИ ЁЗИЛДИ

Муборак Рамазон ойида бутун республикамизда бўлгани каби Марғилон шаҳрида ҳам халқимизнинг розилигини олиш, инсонлар ўртасида хайру саховат ва меҳр-муҳаббат ришталарини янада мустаҳкамлаш мақсадида эзгу ва хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан бугун Марғилон шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан шаҳримиздаги муҳташам “Марғилон ресторани” тўйхонасида ифторлик дастурхони ёзилди. Файзли дастурхон атрофида кечган суҳбат жараёнида шаҳарда аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш борасида амалга оширилаётган ишлар, Рамазон ойининг фазилатлари ҳақида сўз юритилди.

“Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган 200 нафардан зиёд кам таъминланган, эҳтиёжманд, ногиронлиги бор бўлган фуқаролар жам бўлган ушбу хайрия тадбири якунида нуронийлар юртимизга тинчлик, оилаларимизга тотувлик тилаб дуога қўл очишди.

Бу каби ифторликлар шаҳардаги ҳар бир маҳаллаларда давом этмоқда.

2024-03-23 20:48:03